



ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Умрзаков Ислон

ЎзМУ «Ижтимоий фанлар» факультети 3 курс таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқи ўзининг бой бадиий маданий меросига, жаҳон санъати ривожига тарихида ўзига хос ўрнига, дostonчилик ва миллий мақом санъатнинг замонавий йўналишлари, бахшичилик бўйича шаклланган анъана ва мактабларга эга келтириб ўтилган. Шунингдек, бетакрор мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, мусиқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратилганлиги баён этилган. Шу билан бирга, ўзбек миллий мусиқа санъати авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани асослаб берилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон композитор ва мусиқашунослари, чолғу оркестрлари, «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ягонасан, муқаддас Ватан», «Шарқ тароналари», «Илҳом» ёшлар театри.

МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ УЗБЕКСКОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА

Аннотация: В данной статье узбекский народ имеет свое богатое художественное и культурное наследие, свое уникальное место в истории развития мирового искусства, современные направления эпического и национально-статусного искусства, а также традиции и школы, сформировавшиеся в культуре бакши. Также было констатировано, что создана возможность для глубокого изучения нашего уникального музыкального наследия, дальнейшего развития музыкального искусства и культуры, доведения его до широкой публики. При этом доказано, что искусство узбекской национальной музыки передается из поколения в поколение.

Ключевые слова: композиторы и музыковеды Узбекистана, музыкальные оркестры, «Узбекистан – моя страна», «Ты одна, святая страна», «Восточные песни», молодежный театр «Ильхом».

MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF UZBEK MUSICAL ART

Abstract: In this article, the Uzbek nation has its rich artistic and cultural heritage, its unique place in the history of the development of world art, modern directions of epic and national status art, and traditions and schools formed in Bakhshi culture. It was also stated that an opportunity has been created to deeply study our unique musical heritage, to further develop the art and culture of music, and to bring it to the general public. At the same time, it is proved that the art of Uzbek national music is passed down from generation to generation.



Key words: composers and musicologists of Uzbekistan, musical orchestras, “Uzbekistan is my country”, “You are one, holy country”, “Eastern songs”, “Ilhom” youth theater.

Мустақил давлатнинг қурилиши республикада жаҳон цивилизацияси томонидан эришилган тажриба ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий меросини мукамал тиклашга, ўрганишга катта имкониятлар вужудга келди.

Ўзбекистонда кескин равишда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маданий ҳамда маънавий ўзгаришлар юз берди. Фикримизча, Республикамиздаги бундай ижобий ўзгаришлар халқимизни янги-янги ижодий зафарларга чорламоқда. Хусусан, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоларининг 1990 йил 29-октябрида ўтказилган умумий мажлисида ташкилотнинг янги низоми ишлаб чиқилиб, 1991 йилнинг 3-январиди тасдиқланди ва ўша кундан кучга кирди.

Мазкур Низомда уюшма мақсади ва вазифалари аниқланди. Уюшманинг асосий мақсади: «Ўзбекистон миллий муסיқасини кенг кўламда бойитиш ва юксалтириш, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа халқлар муסיқаси камол топишига мунтазам ёрдам бериш, муסיқий тарбиялашга бутун куч-қудратини сафарбар этиш, Ўзбекистон композитор ва муסיқашуносларини республика ва хорижий давлатларда тарғибот қилиш»дан иборатлиги белгилаб олинди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугунги кунда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг аъзолари Ватанимизнинг ўзбек миллий муסיқий маданиятини ривожлаштириш жараёнида фаол ижод қилмоқдалар. Мустақилликнинг ўтган даврида композиторлар Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрини, Муқимий номидаги муסיқий театрни ва вилоятдаги барча театрларни, миллий симфоник оркестрни, хор жамоаларини, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларини, эстрада симфоник оркестрини, камер симфоник оркестрини, драма театрларни, болалар хор жамоаларини, дамли чолғулар оркестрлари ва бошқа ижрочи жамоаларнинг репертуарларини янги-янги муסיқий асарлар, спектакллар билан доимий равишда бойитиб келмоқдалар.

Шу билан бирга уюшма аъзолари республикада ҳар йили ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўшиқ танловларида, ҳар икки йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивалларида фаол қатнашмоқдалар.

Бугунги кунда бетакрор муסיқий меросимизни чуқур ўрганиш, муסיқа санъати ва маданиятини янада ривожлантириш, уни кенг оммага етказиш имконини яратди. Бу борада қилинаётган ишларнинг истиқболли мазмун касб этишида мамлакатимизнинг гўзал худудларидан бири бўлган Шаҳрисабз заминиди Халқаро мақом санъати анжуманининг ҳамди Сурхондарёда ўтказилаётган Халқаро фольклор санъати фестивалининг аҳамияти беқиёсдир. Т.Шокиров фикрича: «мазкур тадбирлар ёшлар истеъдодини ҳар томонлама



камол топтириш, шунингдек, мусиқа санъатини янада юксак поғоналарга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Миллий мусиқа санъатидаги янгиланиш жараёнларида турли йўналишларда ўтказиладиган ижодий танловлар, фестиваллар, халқаро ижодий ҳамкорликнинг ўрни ниҳоятда катта»⁹⁰. Шу маънода, 1997 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўзига хос маъно ва аҳамият касб этмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу фестивал дунё халқларининг ноёб мусиқий анъаналари янгиланиши, ўзаро бойишига ва, айти пайтда, турли миллат ёшларини ўзбек миллий мусиқа санъати воситасида муштарак мақсадлар йўлида яқинлаштиришга хизмат қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлашича: «Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади»⁹¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда замонавий симфоник мусиқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида «Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорликда 1998, 2000, 2002, 2005 йилларда Халқаро симфоник мусиқа фестивалини, «Илҳом» ёшлар театри билан ҳамкорликда 1996-2006 йиллар мобайнида Тошкентда Халқаро замонавий камер мусиқа фестивалларини, 2003, 2008, 2013 йилларда «Давр садолари-I, II, III» мусиқа фестивалларини, 2002, 2005, 2007, 2009, 2011 йилларда Назира Аҳмедова номидаги Республика ва Халқаро хонандалар танловларини ўтказди»⁹². Шу билан бирга, бундай нуфузли мусиқа фестиваллар ҳамда танловларда композитор ва мусиқашунослар ҳар йили фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Бугунги кунда мустақил давлат бўлиб, шаклланиб, дунё мамлакатлари эшиги янада кенг очилиши натижасида, ўзбек мусиқа санъати жаҳон сахналарида ижро этилиб, чет эл мамлакатларида «Ўзбекистон маданият кунлари» мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу маданият кунларида иштирок этувчилар орасидан аксарияти ёшлар эканлиги, ўзбек миллий мусиқа санъати авлоддан-авлодга ўтиб келаётганидан ҳам далолат беради. Бугунги кунда, дунё халқлари мусиқасини ўзбек миллий чолғулари ёрдамида ижро этилиши ўзбек миллий мусиқасининг истиқболи сифатида баҳоланиши мумкин.

Инсониятнинг маданиятини, шу жумладан, мусиқа маданиятини истиқболлини белгилашда фольклор, дostonчилик, мақом санъатининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, бугунги кунда инсоният маданиятининг мавжудлиги ва истиқболлини мусиқасиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Хусусан, фольклор халқларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитлари, ижтимоий меҳнат даражаси, шу билан бирга фольклор қўшиқлари

⁹⁰ Шокиров Т. Миллий мусиқа маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022. – Б. 32.

⁹¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон, 4-том. 2020. – Б. 344.

⁹² Жабборов А. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари // Маълумотномаси. – Тошкент: 2015. – Б.10



ҳам мос равишда шаклланиб, отадан ўғилга, устоздан шогирдга, аждоддан авлодга ўтиб, доимий равишда сайқаллашиб, мукаммаллашиб, тобора анъанавийлашиб бизгача етиб келган.

Ўзбек фольклоршунослигида меҳнат қўшиқлари етакчи хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фольклоршунос К.Очилов фикрича: «меҳнат қўшиқлари дастлаб мавсум-маросим характериға эга бўлганлигини, тарихий тараққиёт туфайли улар кейинчалик ижтимоий маъно, лирик характер касб этган»⁹³. Шу боис, фольклор жанридан ўрин олган ўзбек меҳнат қўшиқларининг қайси соҳаси бўлмасин, жумладан, деҳқончилик, чорвачилик, касб-хунар, боғдорчилик билан боғлиқ бўлиб, бизгача етиб келган намуналарида севги кечинмалари, оилавий-маиший турмуш ташвишларининг бадий ифодаси етакчилигини кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асрлар давомида яратилган улкан маънавий хазина, намуналари жаҳонга машҳур бўлган ижод, умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлган миллий ҳодисадир. Шунингдек, асрлар давомида халқ тарихи, маънавий-маиший турмуши, маданиятининг таркибий қисми бўлган халқ оғзаки ижоди, илмий таъбир билан айтганда, ўзбек фольклори тақдирдир. Т.Шокиров фикрича: «Фольклор қайси даврда, қандай бўлмасин, жамиятнинг, кишиларнинг маълум бир эҳтиёжларига жавоб бермаса, ўз-ўзидан ҳаёт саҳнасида тушиб, фақат тарихий факт бўлиб қолади»⁹⁴. Ўзбек фольклори тарихи ва тақдирининг аҳамияти шундаки, унинг намуналарида барча архаик динлар ва ислоний қарашлар доимо ўз ифодасини топиб келган. Фольклор тарихан ноэстетик қарашларнинг эстетик ҳодисаларга, жумладан, диний тасаввурларнинг бадий тасаввурларга ўтиш майдони бўлганлигини таъкидлаш зарур.

Айни пайтда, ўзбек миллий мусиқа санъати маданиятимизнинг барча соҳаларини жаҳон маданияти ютуқлари асосида бойитиш ва ривожланишнинг янги босқичига кўтаришда ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Буларнинг барчаси ўз навбатида юрт манфаати ва миллат истиқболи йўлида қайғурадиган янги инсонни тарбиялашдек бош вазифани ҳал этишга хизмат қилишини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбек халқи ўзининг бой бадий маданий меросига, жаҳон санъати ривож тарихида ўзига хос ўрнига, дostonчилик ва миллий мақом санъатнинг замонавий йўналишлари, бахшичилик бўйича шаклланган анъана ва мактабларга эга. Ушбу мерос ва тажрибани чуқур ва илмий асосда ўрганиш, ривожланиш истиқболларини белгилаш, мазкур йўналишлардаги фаолиятни тизимли ташкил этиш ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалиги шубҳасиздир.

Турли йўналишларда фаолият олиб бораётган жамоат ташкилотлари, марказлар, уюшмалар, жамғармалар ҳам мазкур тизимнинг зарурий ва энг

⁹³ Очилов К. Узбекские народные трудовые песни. АКД. – Тошкент: 1974. – С. 30

⁹⁴ Шокиров Т. Миллий мусиқа маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари (фольклор, дostonчилик, мақом мисолида) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022. – Б. 33.



муҳим элементи ҳисобланади. Улар бугунги кунда маданий меросимиз бўлган миллий муסיқа санъатини ўрганиш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф одатларимизни тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаолият олиб бориш, фольклор экспедициялари ташкил этиш, доимий равишда турли фестивалъ, кўрик, танлов, ижодий кечалар ўтказиш, иқтидорли ёшлар ижодини рағбатлантириш борасида самарали фаолият кўрсатиб берувчи механизмни ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, маданият жабҳасида фаолият олиб бораётган турли ижодий ташкилот ва бирлашмалар аҳолининг маданий эҳтиёжларини тўлақонли қондириш, миллий маданият, адабиёт, санъат, муסיқа, театр, кино ютуқларини, маънавий ва ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида сермаҳсул натижаларга эришаётганларини алоҳида қайд этиш лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Шокиров Т. Миллий муסיқа маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари (фольклор, дoстoнчилик, мақом мисoлида) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022. – Б. 32.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон, 4-том. 2020. – Б. 344.
3. Жабборов А. Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари // Маълумотномаси. – Тошкент: 2015. – Б.10
4. Очилoв К. Узбекские народные трудовие песни. АҚД. – Тошкент: 1974. – С. 30
5. Шокиров Т. Миллий муסיқа маданияти ва унинг ривожланиш истиқболлари (фольклор, дoстoнчилик, мақом мисoлида) // SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. ISSN: 2181-3337. 2022. – Б. 33.